



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

2023  
1-сон



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

профессор **Д.Х.Асланова**

**Масъул котиб:**

профессор **М.Қ.Пардаев**

**Муҳаррирлар:**

**Ф.А.Сафаров**

**Ш.З.Ўрозов**

**Техник муҳаррир:**

**А.Н.Холиқулов**

**Корректор:**

**С.А.Бабаназарова**

**Саҳифаловчи:**

**Ҳ.Н.Очилова**

1 йилда 4 мартаба  
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида  
тарқатилади.

**Таҳририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,  
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

[samisiservis@mail.ru](mailto:samisiservis@mail.ru)

**Таҳририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

**Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар  
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

**Таҳрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-  
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – иқтисод фанлари доктори, профессор.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ Самарқанд филиали директори,  
иқтисод фанлари доктори, профессор

**М.Р.Болтабаев** – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва  
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ декани, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ доценти, и.ф.д.

|   |     |
|---|-----|
| <b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА ИНВЕСТИЦИЯ</b>   |     |
| <b>Вехзоджон Усмонович Шермухамедов</b><br>Тижорат банклари депозит сиёсатининг қийосий таҳлили   | 149 |
| <b>Хуббим Аскарлович Улашев</b><br>Иқтисодийнинг келгуси тараққиётида инвестицияларнинг ўрни  | 153 |
| <b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>  |     |
| <b>Анвар Нематович Холиқулов</b><br>Хизмат кўрсатиш корхоналарида самарадорликни оширишнинг кўп омилли корреляцион-регрессион таҳлили         | 158 |
| <b>Зайнаб Баратовна Эшпулатова, Шахзод Шохрухович Усманов</b><br>Корхоналар даромадларининг молиявий ҳисобот элементи сифатидаги тавсифи      | 162 |
| <b>Бобур Фарходович Боронов</b><br>Ёғ-мой саноати корхоналарида пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботни такомиллаштириш                               | 166 |
| <b>БАНДЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ</b>   |     |
| <b>Шавкат Собирович Олтаев</b><br>Мамлакатимиз ёшларининг иш билан бандлик даражасини ошириш: муаммо ва имкониятлар                           | 171 |
| <b>Шаҳобиддин Зиядуллаевич Ўрозов</b><br>Марказий Осиё илм-фани ривожда Амир Темур ва Темурийларнинг тугган ўрни                              | 175 |
| <b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>   |     |
| <b>Умар Худайбердиев, Севара Абдиназаровна Бабаназарова</b><br>Мактабгача таълим – таълим ва тарбиянинг асосидир.                             | 180 |
| <b>Тўлқин Кулибаевич Мардиев, Дилноза Акрамовна Искандарова</b><br>Инглиз ва ўзбек тилларида қурилиш терминларининг умумий семантик жиҳатлари | 184 |
| <b>Садулла Шодиевич Уразов</b><br>Таълим хизматлари кластери – таълим соҳасини ривожлантириш ва бошқариш стратегияси сифатида                 | 188 |
| <b>Ҳилола Нематовна Очилова</b><br>Таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари   | 192 |
| <b>ЭЪТИБОРГА МОЛИК МАСАЛАЛАР</b>  |     |
| Беморлик, фақирлик ва муҳтожлик сабаблари. Доно саволга доно жавоб.   | 197 |
| <b>ИБРАТЛИ БИТИКЛАР</b>   |     |
| Инсоннинг руҳияти ва кечинмалари ҳақида савол-жавоблар.   | 198 |

таъкидлаш керакки, инглиз тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам "бино" нинг асосий маъносидан ташқари, унинг қурилишда ишлатиладиган бошқа тушунчалар билан ўзаро боғлиқ бўлган ўзига хос маънолари билан тавсифланади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Виноградов В.В. Основные типы лексических значений: Избр. труды. М., 1972. 1972: 12-13.
2. Головин Б.Н., Кобрин Ю.Н. Лингвистические основы учения о терминах. М., 1987. 1987: 11-5.
3. Канделаки Т. Л. Семантика и мотивированность терминов. М., 1977. 1977: 27-7.
4. Лотте Д.С. Краткие формы научно-технических терминов. – М.: Наука, 1971. – 130 с.
5. Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики. – М.: Наука, 1968 – 180 с.1978: 47.
6. СФ – Современная философия: словарь и хрестоматия. –Ростов-на-Дону.: Феникс, 1956.- 511с.
7. Шипков К.А. Юридическая терминология как подвид языка науки // Язык в мире и мир в языке: Мат-лы межд. науч. конф- ии. Сочи-Краснодар, 21-25 Апреля 2002 г. С. 126-128.

|   |  |
|---|--|
| <p><b>Т.Мардиев, Д.Искандарова</b><br/> <b>Общие семантические аспекты строительных терминов в английском и узбекском языках</b><br/> <b>Аннотация.</b> В данной статье объясняются общие семантические аспекты строительных терминов на английском и узбекском языках, анализ семантических связей в терминологии строительной отрасли выявляет сложные системные связи между ее компонентами.<br/> <b>Ключевые слова:</b> конструкция, семантика, взаимосвязь, типичный, термин, предел, деривация, античный, архитектура, лексический, дифференциальный.</p> | <p><b>T.Mardiev, D.Iskandarova</b><br/> <b>General semantic aspects of construction terms in English and Uzbek</b><br/> <b>Abstract.</b> This article explains the general semantic aspects of construction terms in English and Uzbek, the analysis of semantic connections in the terminology of the construction industry reveals complex systemic connections between its components.<br/> <b>Keywords:</b> construction, semantics, relationship, typical, term, limit, derivation, antique, architecture, lexical, differential.</p> |
|---|--|

Садулла Шодиевич Уразов – СамИСИ, “Менежмент” кафедраси докторанти

**ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ КЛАСТЕРИ – ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ СТРАТЕГИЯСИ СИФАТИДА**

|  |
|--|
| <p><b>Аннотация:</b> Мақолада таълим кластерининг моҳиятини тушунишга ёндашувлар кўриб чиқилган, Самарқанд вилоятида уни шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар ўрганилган ва кластер таркибидаги субъектлар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг тузилиши ва механизми режалаштирилган. Унинг яратилишидан ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий, илмий-маърифий афзалликлари алоҳида таъкидланган.<br/> <b>Калит сўзлар:</b> кластер, таълим, таълим хизматлари кластери, ҳудуд, стратегия, интеграция, таълим хизматлари интеграцияси</p> |
|--|

**Кириш.** Замонавий таълим тизимида бугунги кунда кечаётган ижобий ўзгаришлар ва таълимдаги интеграциялар таълим хизматлари сифатига жиддий таъсир этаётганлигини кўрмоқдамиз. Инновацион иқтисодиётдан рақамли иқтисодиётга ўтиш мамлакатимизнинг иқтисодий муносабатларининг барча субъектларини фаол қайта қуриш чораларини кўришга ундади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳолининг, энг аввало олий ўқув муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш”<sup>1</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонининг 1-илоvasи “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”. www.lex.uz

берилган. Мазкур вазифаларнинг самарали ижроси мамлакатимиз олий таълим тизимида таълим хизматлари тизимини бошқариш усуллари механизмини такомиллаштиришни талаб этади. Ана шундай инновациялардан бири “кластер модели” бўлиб, бугунги кунда Ўзбекистон шароитида олий таълим тизимида шундай янги механизм яратилиши ҳаётий заруратга айландики, унда таълим турлари ўртасида ўзаро назорат ҳам, рақобат ҳам, манфаатларнинг кондирилиши ҳам таъминланиши зарур.

Олий таълимнинг жамият барқарор ривожланишидаги юқори ижтимоий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда замонавий талаблар, тизимдаги муаммолар ва уларни ҳал қилишда таълим, фан ва ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги тарқоқлик бугунги кунда олий таълим тизимини кластер ривожланиш моделига (cluster model) ўтказиш заруратини тақозо этмоқда. Олий таълим муассасаларини молиялаштиришни оптималлаштириш, бир-бирини тақрорлайдиган кўплаб олий таълим муассасаларининг пайдо бўлиши муносабати билан олий таълим муассасаларини қайта қуриш муаммоси (айниқса, уларни кластер тузилмаларига интеграция қилиш) бугунги кун амалиётида долзарб масалалардан бўлиб қолмоқда.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Таълим соҳасида интеграция тузилмаларини шакллантириш, маҳаллий ва хорижий тажрибани ўрганиш бўйича илмий адабиётларни таҳлил қилиш ва кўриб чиқиш шуни кўрсатдики, ҳудудий таълим хизматлари кластерларини шакллантириш муаммоси маҳаллий амалиётда янги тизим бўлиб, бу жараён асосида ётган асосий тушунчаларни аниқлаштиришни талаб қилади. Бундан ташқари, кластер доирасидаги субъектларнинг интеграциялашган ўзаро таъсирини шакллантириш тузилмаси ва воситалари ишлаб чиқилмаган. Ҳудудда таълим хизматлари кластерини ташкил этиш қўйидагиларни талаб қилади:

- ҳар бир субъектнинг мақсад ва вазифаларини аниқ белгилаш;

- унинг ишлаш механизмини ишлаб чиқиш;

- ижтимоий-иқтисодий, илмий ва таълим самарадорлигини баҳолашнинг миқдорий ва сифат кўрсаткичларини белгилаш.

Хорижий илмий адабиётларда “таълим кластери” тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд. Ўрганишлар натижасида, таълим хизматлари кластерини мазмун ва моҳиятини аниқлашнинг иккита ёндашуви аниқланди.

Биринчи ёндашув бу таълим муассасаларининг биргаликдаги фаолиятининг инновацион таркибий қисмига қаратилган. Н.Д. Фролова<sup>1</sup>нинг фикрича, инновацион-таълим кластери - бу географик жиҳатдан тўпланган таълим ва илмий муассасалар, шунингдек, бир-бири билан чамбарчас боғланган ва қўшма лойиҳаларни амалга оширадиган инновацион корхоналар бўлган тузилмадир. Э.Р.Скорнякова<sup>2</sup> ҳам шу фикрни асослаб, таълим хизматлари кластери ўзаро боғланган объектлар гуруҳларини (таълим муассасалари, жамоат ва сиёсий ташкилотлар, илмий-тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари, бизнес тузилмалари ва бошқалар), муайян муаммоларни ҳал қилиш ва аниқ натижага эришиш учун инновацион таълим фаолиятини(таълим муассасалари) ўз ичига олган мослашувчан тармоқ структурасидир-деб таъкидлаганлар.

Мамлакатимизда таълим соҳаси фаолиятининг бутун тарихи давомида таълим муассасаларининг асосий мақсади сифатли таълим хизматларини кўрсатиш бўлган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шундай қилиб, асосий эътиборни Р.Х. Хасанов<sup>3</sup>, О.Е. Гаврилова, Ф.Т.Шагеева, Л.Л. Никитина, Д.Ю. Лапйгин, Г.А. Коретский каби тадқиқотчилар томонидан берилган таърифлар яъни, таълим хизматлари кластерини тушунишнинг иккинчи ёндашувига қаратилиши керак. Юқорида келтириб ўтилган олимлар таълим кластеридаги асосий маҳсулот таълим хизматлари деб ҳисоблашади. Улар

<sup>1</sup> Фролова Н.Д. Принципы и подходы рационального формирования инновационно-образовательного кластера. URL: [www.be5/biz/ekonomika1/r2012/2883.htm](http://www.be5/biz/ekonomika1/r2012/2883.htm).

<sup>2</sup> Скорнякова Э.Р. Управление современной школой на примере создания образовательного кластера. URL: [http://www.akvobr.ru/pljusy\\_obrazovatel'nogo\\_klastera.html](http://www.akvobr.ru/pljusy_obrazovatel'nogo_klastera.html).

<sup>3</sup> Хасанов Р.Х. Реализация региональной промышленной политики с использованием кластерных подходов // Проблемы современной экономики. 2009. № 3.

худудда таълим хизматлари кластерини шакллантириш асосига таълим муассасалари интеграцияси ва ҳамкорлигини қўядилар:

- таълим хизматлари сифатини ошириш;
- таълим хизматларининг халқаро бозорларида кластер тузилмаси ядросининг рақобатбардошлигини ошириш.

Масалан, Р. Х. Хасанов кластерга қуйидаги таърифни беради: очик таълим тизими, узлуксиз таълим босқичларининг вертикал интеграциялашуви ва тузилмаларнинг горизонтал мувофиқлаштирилиши натижасида педагогик жараён субъектлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан юқори даражада бирлаштиришни таъминлайди. О.Е.Гаврилова, Ф.Т.Шагеева, Л.Л.Никитин-нинг фикрича, бундай кластер турлари, корхоналар билан ҳамкорликда бирлаштирилган ўзаро боғлиқ бўлган касб-хунар таълими муассасалари мажмуи сифатида тушуниш керак.

Т.В.Фадина<sup>1</sup> таълим кластерини компетенцияга асосланган ёндашув нуқтаи назаридан ўзаро боғлиқ бўлган олий таълим муассасалари, шунингдек уларнинг фаолияти билан боғлиқ ташкилотлар: иш берувчилар, етказиб берувчилар, умумий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот сектори ташкилотлари барча манфаатдор томонларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган малакали битирувчини яратиш учун бирлашиш мажмуаси сифатида қаралади.

**Тадқиқот методологияси.** Илмий абстракция усули, қиёсий таҳлил ва солиштириш, тизимли таҳлил усуллари асосланган.

**Таҳлил ва натижалар.** Таълим кластерини шакллантириш фаолиятининг асосий йўналиши ўқув ва илмий бўлган олий таълим муассасалари мажмуи негизида ташкил этилишидан келиб чиқиб, таълим кластерини яратишдан мақсад унинг барча иштирокчиларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича қуйидаги ҳаракатларини мувофиқлаштиришдан иборат:

- минтақавий ва ташқи бозорларда, жумладан, халқаро бозорларда талабга эга бўлган турли мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- вилоятда инновацион фаолиятни, илмий изланишларни фаоллаштириш, уларни амалга ошириш учун шароит ва имкониятларни таъминлаш, вилоят иқтисодиётининг турли жабҳаларини мустаҳкамлаш имконини беради.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, худудий таълим хизматлари кластерининг қуйидаги таърифи ишлаб чиқилди: асосий фаолияти такомиллаштиришга қаратилган қўшма лойиҳаларни амалга оширувчи худудий корхоналар, илмий-тадқиқот институтлари, ҳокимият органлари билан ҳамкорликда бўлган таълим жараёни, истиқболли мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва худудда инновацион, илмий тадқиқотларни фаоллаштиришга қаратилган географик жиҳатдан тўпланган таълим муассасалари тўпламидир<sup>2</sup>.

Таълим кластерининг моҳиятини тушунишга қарор қилиб, уни минтақада яратиш мақсадларини белгилаб, биз уни кўп йиллар давомида талабалар шаҳри ҳисобланган Ивановода шакллантириш имкониятини кўриб чиқамиз.

Самарқанд вилоятида 3947,7 минг аҳоли истиқомат қилади, 70772 нафар талаба ОТМларида таҳсил олади. 10000 кишига 179 талаба тўғри келади. 2022 йилда вилоятда 11 та давлат олий таълим муассасалари ва 2 та хорижий олий таълим муассасалари филиаллари фаолият кўрсатмоқда. Вилоятдаги барча олий таълим муассасалари муайян йўналишлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг асосий марказлари ҳисобланади. Фаолиятнинг турли соҳаларида кластер тузилмаларини шакллантириш бўйича худудий ва хорижий тажрибани ўрганиш натижасида худудда интеграция жараёнлари ривожланишининг икки асосий босқичини аниқлаш имконини берди.

Биринчи босқич - худудда йирик интеграциялашган компанияларнинг пайдо бўлиши.

<sup>1</sup> Фадина Т.В. Образовательный кластер как механизм реализации потребности на рынке образовательных услуг // Вестник Нижегородского университета им.

<sup>2</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди

Иккинчи босқич – худудий кластер тузилмаларини шакллантириш.

Олий таълим ҳолатини таҳлил қилиш, меҳнат бозори мониторинги, таълим муассасалари ўртасидаги интеграция жараёнларини ўрганиш, худудда кластер тузилмаларини шакллантириш тажрибасини ўрганиш Самарқанд вилоятида таълим хизматлари кластерини яратишга ёрдам берадиган қуйидаги омилларни аниқлашга имкон берди:

- мустақкам илмий ва таълим салоҳиятига, илмий иш тажрибасига ва таълим хизматлари бозорида ижобий обрўга эга бўлган базавий университет ва институтлар, йирик фундаментал ва амалий тадқиқотлар марказларининг мавжудлиги;

- таълим муассасалари мониторингига кўра, 2021 йилда Самарқанд вилоятидаги айрим университет ва институтлар рейтингини самарали деб тан олинган;

- Олий таълим муассасалари базасида илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш учун ресурс салоҳиятининг мавжудлиги;

- меҳнат бозори мониторингини олиб боровчи бандлик марказининг мавжудлиги;

- Самарқанд вилояти худудда турли иқтисодий фаолият турлари билан шуғулланувчи, шунингдек, малакали меҳнат ресурсларига муҳтож бўлган атрофдаги худудларда кўплаб йирик ва кичик корхоналарнинг мавжудлиги;

- ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш;

- қулай географик жойлашуви;

- Самарқанд вилояти ҳокимиятининг кластерни шакллантириш бўйича катта тажрибаси (худудда пахта-тўқимачилик кластери мавжуд).

Самарқанд вилоятида таълим хизматлари кластерини шакллантириш икки йўл билан амалга оширилиши мумкин: юқоридан ва пастдан. Биринчи усул давлат ташаббусини, унинг таълим кластерини шакллантириш жараёнига таъсирини кучайтиришни ўз ичига олади. Таълим хизматлари бозорининг рақобатбардош тузилмасини шакллантиришнинг иккинчи усули - бу бизнес ва илм-фан манфаати билан бирлаштирилган олий таълим муассасаларининг ташаббусига таянишни ўз ичига олади.

Самарқанд вилоятида таълим кластерини яратиш ва унинг минтақавий ривожланишдаги аҳамиятини баҳолаш учун зарур шарт-шароитларни кўрсатиб, унинг тузилишини режалаштиришга ўтамиз (1-расм).

Таълим кластерининг ўзагини худудда жойлашган олий таълим муассасалари мажмуаси ташкил этади. Асосийдан ташқари, олий таълим муассасалари ўзаро алоқада бўлган ташкилот ва муассасалар бўлиши керак, жумладан:

❖ таълим тизими муассасалари;

❖ илмий-тадқиқот ташкилотлари;

❖ корхоналар;

❖ давлат органлари;

❖ бандлик марказлар ўқув ва илмий жараёни барча субъектлар учун иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан фойдали қилади:

Таълим хизмати кластери таркибидаги умумтаълим ва ихтисослаштирилган мактаблар, лицей, техникум ва касб-хунар мактаблари билан ўзаро ҳамкорлик абитуриентларни тайёрлашни такомиллаштириш орқали таълим хизматлари сифатини ошириш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиради. Таълим хизматлари кластери доирасидаги корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорлик ўқувчиларнинг амалиёт базасини яратишга ва ўқув жараёнини такомиллаштиришда зарур маълумотлардан фойдаланишга ёрдам беради.

Худудий таълим кластерини шакллантириш вилоятда бизнес ривожига хизмат қилади, чунки иштирокчи корхоналар илғор билимлар, ахборот, ишлаб чиқариш ва бошқарув технологияларидан фойдаланишлари осонлашади. Бундан ташқари, таълим фаолияти соҳасида олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш орқали корхоналар қайта тайёрлашга муҳтож бўлмаган юқори малакали мутахассислар олади, бу эса меҳнат унумдорлигини оширади.

Кластер фаолиятида муҳим рол бандликка кўмаклашиш марказига юкланади. У меҳнат бозорини кузатиб бориши ва кластерни муайян мутахассислик ва касблардаги

ишчиларни бўшатишга йўналтириши керак. Кластерни бошқариш, барча иштирокчилар фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари билан ҳамкорлик қилиш учун **кластер кенгашини** тузиш керак. Самарқанд вилояти ҳокимиятининг роли зарур ҳуқуқий базани шакллантириш ва ушбу жараёнларни молиялаштириш орқали интеграция учун шарт-шароитларни таъминлашдан иборат.

**Хулоса ва таклифлар.** Шубҳасиз, ҳудудда таълим хизматлари кластерининг шаклланиши Самарқанд вилоятини таълим хизматларини кўрсатиш, истиқболли илмий тадқиқотлар ва турли соҳалардаги инновацион ишланмалар бўйича етакчи марказ сифатидаги нуфузини оширади. Бу Самарқанд вилояти олий ўқув юртларига, жумладан, хорижий олий ўқув юртларидан талабалар оқимини кўпайтириш, ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, меҳнат бозорида талаб катта бўлган турли мутахассисликлар бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашни таъминлайди.

Самарқанд вилоятда таълим хизматлари кластери яратилса:

- Самарқанд вилояти имиджини таълим хизматларини кўрсатиш бўйича йирик марказ сифатида яхшилайд;
- абитуриентларни бошқа ҳудудлардан, шу жумладан чет элдан ҳам жалб қилади;
- ҳудуднинг инвестицион жозибадорлигини оширади;
- минтақада илмий салоҳиятни жамлайди, юқори технологияли корхоналар сонининг ўсишини таъминлайди;
- ҳудудий иқтисодиёт яхшиланади;
- ёш мутахассислар ўртасида ишсизликни камайитиришга ҳисса қўшади;
- таълим хизматларини кўрсатишда нарх белгилаш механизмларини такомиллаштирилади.

| <b>С.Уразов</b>  | <b>S.Urazov</b>  |
|--|--|
| <b>Кластер образовательных услуг как стратегия развития и управления сферой образования</b>  | <b>Cluster of educational services as a strategy for the development and management of education</b>   |
| <p><b>Аннотация:</b> В статье рассмотрены подходы к пониманию сущности образовательного кластера, изучены предпосылки его формирования в Самаркандской области, спланированы структура и механизм взаимодействия субъектов внутри кластера. Выделены социально-экономические и научно-образовательные преимущества от его создания в регионе.</p> <p><b>Ключевые слова:</b> кластер, образование, кластер образовательных услуг, территория, стратегия, интеграция, интеграция образо-вательных услуг.</p> | <p><b>Abstract:</b> The article discusses approaches to understanding the essence of the educational cluster, studied the prerequisites for its formation in the Samarkand region, planned the structure and mechanism of interaction of subjects within the cluster. The socio-economic, scientific and educational benefits from its creation in the region are highlighted.</p> <p><b>Keywords:</b> cluster, education, cluster of educational services, territory, strategy, integration, integration of educational services.</p> |

**Ҳилола Нематовна Очилова** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Менежмент” кафедраси ўқитувчиси

### ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Аннотация:** мақолада таълим хизматларининг ўзига хос хусусиятлари қараб чиқилган. Бунда таълим хизматлари хусусиятлари билан боғлиқ масалалар тадқиқ қилиниб, уларнинг саккизта йўналиш бўйича таснифи ва ҳар бирининг тавсифи ишлаб чиқилган. Тадқиқот натижасида олий таълимда кўрсатиладиган таълим хизматларининг ҳам ўзига хос хусусиятлари алоҳида кўрсатиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** таълим, таълим турлари, таълим хизматлари, таълим тавсифи, таълим хизматлари, микдор ва сифат.

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023